



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI HOKIMLIGI

210100, Navoiy sh., Islom Karimov sh.k 77 A, tel: (79)229-62-06, 229-62-80, e-mail: [navoi@exat.uz](mailto:navoi@exat.uz), [info@navoi.uz](mailto:info@navoi.uz)

8 yanvar 2025 yil.

06-12/237-son

### Навоий вилояти ҳокимлигига 2024 йил учун коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида УМУМИЙ ҲИСОБОТ

Ҳаммамизга маълумки, коррупция ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун улкан таҳдид бўлиб, у жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради.

Мазкур иллат демократия ва қонун устуворлиги асосларига путур етказиб, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, ислоҳотларга тўсқинлик қилиб, жамият тараққиётини ортга суради.

Одамларнинг давлатга, бошқарув идораларига ишончини сўндиради, ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантириб, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокига салбий таъсир қўрсатади.

Бугун жаҳон сиёсатчилари, олимлар ва умуман, башариятнинг эртанги тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон томонидан терроризм, экстремизм, гиёхвандлик, геосиёсий тўқнашувлар, экологик муаммолар, моддий ва маънавий инқирозлар қаторида коррупция ҳам энг хатарли воқелик сифатида тилга олинмоқда.

Мамлакатимизда юз бераётган шиддатли ўзгаришларга, аҳолининг турмуш даражаси кескин ўсиб бораётганига ҳар биримиз бирдек гувоҳ бўлмоқдамиз.

Албатта, бу ислоҳотларнинг самараси барча соҳаларда қонун талабларига сўзсиз риоя этишга, коррупция ҳолат-ларининг олдини олишга бевосита боғлиқ.

Айниқса, ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича турли давлат дастурларига ажратилаётган маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, унинг талон - торож қилинишига асло йўл қўймаслик зарур.

Вилоят ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил 20 февраль куни 15-5-0-Q/23-сон қарори қабул қилиниб, 2023 йил 20 февралдан бошлаб вилоят ҳокимлигига мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

2023 йил 08 февраль куни ўтказилган очиқ мустақил танлов якунига кўра, вилоят ҳокимининг 2023 йил 20 февраль куни 15-5-0-Q/23-сон қарори билан Хасанов

Фирузжон Гуломович Навоий вилояти ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси мудири лавозимига тайинланган.

Навоий вилоятининг 11 та туман (шаҳар) ҳокимларининг тегишли қарор ва фармойишлари билан туман (шаҳар) ҳокимликларида коррупцияга қарши ички назорат қилиш ишларини таъминлаш бўйича масъуллар белгилаб олинди.

Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликларида коррупцияга қарши ички назорат қилиш тизимининг жорий этилиши ҳокимлик тизимида коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, ҳокимлик тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга қарши профилактика чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

Шу мақсадда коррупцияга қарши курашишга қаратилган Давлат дастурлари ва “Йўл харита”ларида белгиланган вазифа ва тадбирларни ўз муддатида ва сифатли бажарилишига асосий эътибор қаратилган.

Вилоят ҳокимининг 30 ноябрь 2022 йилдаги “Вилоят туман, шахар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 235-5-0-Q/22-сонли қарори билан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида қўллаш учун:

- 1) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш Сиёсати
- 2) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти;
- 3) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом;
- 4) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиши Регламенти
- 5) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома;
- 6) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти;
- 7) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш Регламенти;
- 8) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент
- 9) вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Юқоридаги 9 та коррупцияга қарши ички идоравий ҳужжатлар талаблари вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ходимлари эътиборига етказилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг:

- июль 2024 йилдаги 188-5-0-Q/24-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 июнданги “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-228-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори
- июнь 2024 йилдаги 170-5-0-Q/24-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 5-июнданги “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги қарори
- сентябрь 2021 йилдаги № 46-5-0-Q/21-сонли “Навоий вилояти ҳокимлиги тузулмасида коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўйбасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори;
- октябрь 2022 йилдаги № 201-5-0-Q/22-сонли “Навоий вилояти ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўйбаси фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори
- ноябрь 2023 йилдаги № 165-5-0-F/23-сонли “Навоий вилояти ҳудудида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши
- ноябрь 2023 йилдаги № 249-5-0-Q/23-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-200-сон Фармонининг ижроси ҳақида”ги Қарори
- декабрь 2023 йилдаги № 174-5-0-F/23-сонли “Навоий вилояти ҳокимлиги фаолиятида очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни ахборот ресурсларида жойлаштириш ва янгилаб бориш тартибини белгилаш тўғрисида”ги Фармойиши чиқарилган.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ҳудудларда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар доимий таҳлил қилиб борилади, шу жумладан, турли рейтинглар орқали ҳудудлар фаолияти баҳоланади.

Навоий вилоятининг ушбу рейтинглардаги кўрсаткичиларида Хусусан,

- 2022 йилда Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги рейтингида 100 баллдан 40 балл билан “қониқарсиз” яни қизил тоифадаги ўринни эгаллаган бўлса 2023 йилда 100 баллдан 72 балл билан қонақарли яни ўрта пофона;
- 2022 йилда Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индексида бўйича 100 баллдан 62,2 балл билан “сариқ” тоифани эгаллаган

бўлса 2023 йилда 100 баллдан 75,6 балл билан яшил тоифани эгаллади. Маҳаллий давлат ҳокимликларида орасида 2-ўрин.

2022 йил 2-ярим йиллик натижалари бўйича Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаш фаолияти рейтинги бўйича 100 баллдан 49,5 балл билан республикада 7 ўрин эгаллаган бўлса 2023 йил натижалари бўйича 100 баллдан 67,5 балл билан 3-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг ““Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сонли қарори қабул қилинган.

Қарорнинг 2-иловаси 11.1-бандида маҳаллий давлат ҳокимликларига ходим ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг назоратида бўлган тадбиркорлик фаолияти субектининг акциялариға ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилган, шунингдек, ушбу тадбиркорлик фаолияти субектларининг бошқарув органи аъзоси бўлган ҳолатларни аниқлаш ҳамда натижаларини Республика идоралараро комиссиясига тақдим қилиш топшириғи берилган.

Навоий вилояти ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси томонидан ўрганиш олиб борилганида қўйидагилар Хусусан;

Кармана тумани ҳокимининг инновацион ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари Тиллаев Ўткир Ўқтамович (*O'ktam-O'tkir Hamkorlar X/K таъсисчиси*), Кармана тумани ҳокимлиги қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича етакчи мутахассиси Аҳадов Аҳмаджон Мислиддин ўғли (*Dare To-Dream МЧЖ таъсисчиси*), Конимех туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Юлдашов Гаухарбек Касимович (*Gauخارбек-Uli-Jandos фермер хўжалиги таъсисчиси*), Қизилтепа туман ҳокимлиги Девонхона бўлимни мудири Ражабов Шерали Ризоевич (*Ziyobek Husnora МЧЖ таъсисчиси*) Нурота тумани ҳокимлиги оила ва хотин-қизлар бўлимни етакчи мутахассиси Мухаммадиев Ҳусан Жиянбоевич (*Hasan Husan o/k таъсисчиси*), Учқудук тумани ҳокимлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш бўйича лойиҳалар менежери Тангирбергенов Даврон Шараф ўғли (*The Best Business Uchkuduk МЧЖ таъсисчиси*), Томди тумани ҳокимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Маденов Оразбек Келдибаевич (*Aqtau Biznesi x/k, Ajiriqtı-Aktov x/k, Dauletberdi-Ata x/k va Aspan -Kedey x/klar таъсисчиси*), Томди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қаржабов Қожахмет Жунисович (*Karjabov Kojaxmed Junusovich МЧЖ таъсисчиси*), Хатирчи тумани ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосар Чиниқулов Жавлон Худайқул ўғли (*BEKTOSH МЧЖ таъсисчиси*), Хатирчи тумани ҳокимлиги ижро интизоми назорати бўйича бош мутахассиси Явқочов Нодир Тоштемирович (*Toshtemir Bobo Bolalari МЧЖ таъсисчиси*), Навбаҳор туман ҳокими ўринбосари -инвестициялар ва ташқи савдо бўлимни бошлиғи Абдуллаев Миролим Гайратжон ўғли (*Agramir МЧЖ таъсисчиси*)лар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келганлиги аниқланди.

Номлари келтирилган ҳодимлар ёзма ва оғзаки огоҳлантирилишига қарамай Ўзбекистон Республикасининг "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Қонуни

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори талаблари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди.

Ажабланарлиси, Томди тумани ҳокимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринbosари Маденов Оразбек Келдибаевич бир вақтнинг ўзида 4 та хусусий корхонанинг таъсисчиси эканлиги аниқланди.

Ҳокимликлар фаолияти ва иш юритуви шаффоғлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олиш мақсадида, “E-qaror” электрон тизими йўлга қўйилиб, бу чиқарилаётган қарорларни кенг жамоатчилик тўғридан тўғри кузатиб бориши имкониятини яратди.

Навоий вилояти ҳокимлигига коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган бир қатор алоқа каналлари мавжуд бўлиб, жумладан фасебоок ижтимоий тармоғида [www.facebook.com/groups/navoiyantikormurojaat/](http://www.facebook.com/groups/navoiyantikormurojaat/) алоқа канали, телеграм мессенжерида <https://t.me/Navoiyantikormurojaat> алоқа канали, ҳокимликнинг расмий веб-сайтида [www.xttcps://navoi.uz](http://www.xttcps://navoi.uz) алоқа канали, инстаграм саҳифасида <https://www.instagram.com/antikormurojaat/> алоқа канали ва youtube саҳифасида <https://www.youtube.com/@antikorrupsiyanavoiy1524> каби алоқа каналлари мавжуд. Ушбу ташкил этилган алоқа каналларига вилоятда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар, тадбирлар, коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган материаллар, тарғибот тадбирлари ва шу каби бошқа маълумотлар жойлаштириб борилмоқда.

Шунингдек вилоят ҳокимлигига коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган назорат шўъбасининг 79-229-62-53, 78-770-31-11 ва қисқа 1066 рақами “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” ташкил этилган.

Навоий вилоятининг 11 та туман (шаҳар) ҳокимликлари биносининг кириш қисмига яъни фуқароларнинг кўриши учун қулай бўлган жойга 60x40 ўлчамили коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўбаси ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИни тарғиб қилишган мўлжалланган баннер жойлаштирилди.

Жорий йилда коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали жами 4 та мурожаат келиб тушган бўлиб мазкур мурожаатлардан З таси тасдигини топмаган. 1 нафар фуқаронинг мурожаати юзасидан ўрганиш натижалари илова қилинган ҳолда қонуний қўриб чиқиш учун прокуратура органларига юборилган.

Жумладан;

Хатирчи тумани, Олмозор МФЙда яшовчи фуқаро 2024 йил август ойида ҳокимият органлари ҳодимлари ҳатти-харакатидан норози бўлиб мурожаат йўллаган. Мазкур ҳолат бўйича мурожаат муаллифига тушунтириш берилганидан сўнг бирор бир эътирози йўқлигини билдирган.

Навоий шаҳар, “Хумо” МФЙда яшовчи фуқаро ва Навбаҳор тумани “Янгиработ” маҳалласида яшовчи фуқаролар бир хил мазмундаги яъни маҳаллада камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича хоким ёрдамчилари томонидан имтиёзли кредит ажратиб берилишида таниш билишчиликка йўқ

қўйилаётганлигидан норози бўлиб мурожаат йўллаган. Мурожаат юзасидан ўрганиш олиб борилганида мазкур ҳолат ўз тасдигини топмади.

2024 йил 30 сентябр куни Навоий шаҳар Лермантов кўчасида жойлашган тадбиркор томонидан мурожаат келиб тушган. Мазкур мурожаат юзасидан ишчи гуруҳ тузилиб урганиш олиб борилди. Ўрганиш натижаси бўйича тўпланган хужжатлар қонуний кўриб чиқиши учун вилоят прокуратурасига тақдим этилди.

Таҳлилларга кўра, вилоят бўйича жорий йилда мансабдорлик ва коррупцияга оид ҳолатлар юзасидан 264 та жиноятлар қайд қилинди.

Бугунги кунга қадар, 325 нафар шахсга нисбатан 242 та жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлиги таъминланди.

Коррупцион ҳолатларнинг асосий қисми солиқ, банк кредитлари бериш, ер майдони ажратиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ҳамда кадастр соҳаларида учрамоқда.

Коррупцион жиноятлар оқибатида бюджетга жами 88 млрд. 481 млн. сўмлик заарлар етказилгани аниқланиб, шундан тергов давомида 58 млрд. 701 млн. сўми ёки 66,3 фоизи ундирилиши таъминланган.

Жиноят содир қилган мансабдор ва бошқа шахсларнинг 305 нафари туман - шаҳар ва 20 нафари вилоят миқёсидаги корхона, ташкилот ва идораларда фаолият юритган.

Коррупцион жиноятларнинг 108 нафар шахслар ўзлаштириш йўли билан талон - торож қилиш, 104 нафар шахслар хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда фирибгарлик, 6 таси мансаб соҳтакорлиги, 25 таси мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, 11 таси пора бериш ва 6 таси пора олиш, 4 таси давлат хизматисининг пора олиш ва бошқа жиноятларини ташкил қиласди.

Мансабдорлик жиноятлари соҳалар кесимида таҳлил қилинганда салмоқли қисми ижро ҳокимияти мансабдор шахслари томонидан 35 та жиноят ишлари бўйича 46 нафар шахслар (*маҳалий ҳокимият тизимида 3 та иш 3 нафар шахс, солиқ қўмитаси 4 та иш 4 нафар шахс, камбагалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси 5 та иш 7 нафар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги тизимида 3 та иш 3 нафар, соглиқни сақлаш 8 та иш 9 нафар, мактабгача ва мактаб таълими 4 та иш 7 нафар шахс ва бошқалар*), давлат улуши бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 84 та иш 113 нафар шахслар (*кредит ва субсидия маблағларининг ишлатилиши, қурилиш, солиқдан бўйин товлаш, электр ва газ ресурслари ўғирлиги ва бошқалар*), тижорат банклари мансабдор шахслари томонидан 5 та иш 7 нафар шахс, давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахслари 9 та иш 14 нафар шахс, 3 та иш бўйича 3 нафар шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, энг ачинарлиси 73 та иш бўйича 86 нафар ишсизлар (фирибгарлик ва пора бериш) томонидан содир этилган ишлар тоифасига тўғри келади.

Энг кўп учраётган коррупцион жиноятлар бюджет маблағларини талон - торож қилиш билан боғлиқ бўлмоқда.

Мазкур жиноятлар таҳлили, аксарияти мансабдор шахсларнинг ихтиёрида бўлган бюджет маблағларининг ўзлаштирилиши ва имтиёзли кредитлар ажратиши соҳаларига тўғри келмоқда.

Мисол учун, республика миқёсида бюджет прогнозларини бажариш долзарб масала бўлган бир пайтда Навоий шаҳар солиқ инспекцияси масъул ходими Ж.Шакаров акаси Қ.Шакаров ва АТ “Гарантбанк” Навоий шаҳар филиали ходими Ж.Аслонов билан жиноий тил бириктириб, ипотека ва контракт тўловлари тўланганда фуқароларга даромад солиғи қайтариб берилиши ҳақидаги қонун-чилик нормаларидан ғаразли ниятда фойдаланиб, 35 нафар фуқаро-ларнинг хабарисиз уларнинг номидан сохта ҳужжатлар тайёрлаб, жами 375 млн. сўм бюджет маблағларини қўлга киритиб, талон-торож қилишган.

Албатта, идорадаги бундай назоратсизлик муҳити ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган бошқа ходимларнинг ҳам қилмишларига шароит яратган.

Хусусан, Навоий шаҳар солиқ инспекцияси маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспектори шўъбаси давлат солиқ бош инспектори Н.Бердиев “Жабборбобо-Мўмина” фермер хўжалиги ва “Евро стар томорқа хизмати” МЧЖнинг 2021-2022 йиллардаги молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган тафтиш давомида солиққа оид қонун бузилиш ҳолатларни қайд қилмаганлигини билдирган ҳолда, “Жабборбобо-Мўмина” фермер хўжалиги раҳбари А.Тўйчиев 4 млн. сўм миқдоридаги пул маблағларини пора сифатида талаб қилиб келиб, Навоий шаҳри Фалаба шоҳ кўчасида жойлашган “Версал” кафесида кимёвий ишлов берилган 3 млн. сўм миқдордаги пул маблағларини фуқаро А.Туйчиевдан олган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинган.

Суд ҳукмига кўра Н.Бердиевга 2 йил муддутга озодлик маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ҳозирда панжара ортидан қилган қилмиши учун жазо ўтамоқда.

Афсуски, бошқа соҳалардаги вазият бундан ҳам ёмон. Бугунги йиғилишда тармоқ раҳбарлари иштирок этаётганидан фойдаланиб, коррупция кенг қулоч ёйган айrim соҳалардаги аҳволга тўхталиб ўтмоқчиман.

Жумладан, сўнгги йилларда долзарб аҳамият касб этиб келаётган қурилиш соҳасидаги корхоналар томонидан 10 та ҳолатда 2,5 млрд. сўмлик бажарилмаган ишлар ҳажми ҳисботга қўшиб ёзиш йўли билан ўзлаштирилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан 11 та жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мисол учун, "BRIGHT INDUSTRY BUILDINGS THE FUTURE" МЧЖ мансабдор шахслари хизмат мавқеидан фойдаланиб, фуқароларнинг ишончини суиистеъмол қурилиш йўли билан, келгусида қайтармаслик ниятларида уларнинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни режалаштириб, жамият томонидан 2017-2024 йиллар давомида Навоий шаҳар, "Амир Темур" кўчасида қурилаётган 44a-кўп қаватли уйдаги 140 та хонадонни сотиш бўйича фуқаролар билан жами 374 та шартнома тузиб, ушбу хонадонлардан 32

тасини 68 нафар фуқароларга сотиб, сотувдан тушган пул маблағларини шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Ҳозирда дастлабки тергов давомида фуқароларга етказилган моддий зарар миқдори аниқлаш ва моддий зарар қопланиши бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шу каби, тижорат банки мансабдор шахслари томонидан имтиёзли кредитлар талон - торож қилиниши натижасида 3 млрд. сўмдан ортиқ зарар етказилган.

Мазкур ҳолатлар бўйича 6 та жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари давомида 8 нафар банк мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва бюджетга етказилган заарларни ундириш чоралари кўрилди.

Хусусан, АТ “Халқ банки” Қизилтепа филиали раҳбари Ш.Аминов ва “Vang’ozi Zoldor Chorva 2020” МЧЖ раҳбари С.Очилов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, банкнинг 06.10.2020 йилги кредит шартномасига асосан, “Четдан насли қорамол олиб келиш” мақсадида 1,2 млрд. сўм кредит маблағи ажратилишига эришиб, кредит ҳисобига олиб келинган чорва моллари сотувидан тушган пул маблағларини талон-торож қилишган.

Тергов давомида банк манфаатларига етказилган 1,2 млрд. сўмлик заарлар ундирилиши таъминланиб, банк раҳбари Ш.Аминов ва жамият раҳбари С.Очиловларга нисбатан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини қўлланган холда жиноят иши судга юборилган.

Бундан ташқари, “Агробанк” АТБ Навоий вилоят худудий филиали ўринbosари Ш.Жалолов 2021-2024 йиллар давомида 72 нафар банк мижозларига ажратилган кредит маблағлари тўлиқ қопланганидан фойдаланиб, шартнома шартларига кўра қайта тикланадиган (револьвер) шаклида кредит ажратилиши мумкинлигини билгани ҳолда, фуқароларнинг номига қайта 1 млрд. 371 млн. сўмлик кредитлар расмийлаштириб олиб, ушбу маблағларни ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган.

Ҳозирда, айбдор шахслар суд олдида қилмишлари учун жавоб беришмоқда.

Бундан ташқари, йилдан йилга шаҳарлар ва туман марказларида ижтимоий инфратузилмалар учун ҳам ер майдонлари ажратиш масаласи мураккаблашиб бораётган бир пайтда, айрим коррупционерлар томонидан бўш ер майдонларини ноқонуний олди – сотдисини амалга ошириш ҳолатлари кўпаймоқда.

Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилуви органлар томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар давомида, 14 та ҳолатда 124,2 гектардан ортиқ ер майдони ноқонуний сотилишининг олди олинди ҳамда суд ҳукмига кўра, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

“Кармана туман Ободонлаштириш бошқармаси” буюртмачилигида 2024 йил давомида ўтказилган электрон танлов савдоси юзасидан ўрганиш ўтказилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гурух ўрганиш натижаларига кўра буюртмачи “Кармана туман Ободонлаштириш бошқармаси” томонидан 2024 йил 4 декабрда 24110012403191-сонли лот билан ўтказилган электрон танлов савдоси ҳамда қолган электрон танлов савдоларида Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддаси 2-қисми 2-хатбоши (савдоларни ўтказишнинг қонунчиликда белгиланган тартибини бузиш;) 2-қисми 5-хатбоши (савдоларга оид ҳужжатларга ва қоидаларга, шу жумладан эълоннинг матнига иштирокчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган ёки чеклашга олиб келиши мумкин бўлган талабларни киритиш;) 2-қисми 6-хатбоши (савдоларнинг ўтказилиш жараёнига ва натижаларига таъсир қўрсатиш;) талаблари бўзилганлик аломатлари кўзатилди.

Мазкур қонун бўзилиш аломатлари юзасидан, “Кармана туман Ободонлаштириш бошқармаси”га нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган “Рақобат, истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиши тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан 2024 йил 18 декабря 1-21-2024/113-сонли иш қўзғатилди.

Бундан ташқари “Кармана туман Ободонлаштириш бошқармаси” бош ҳисобчиси Валиева Мухайё Рауфовнага нисбатдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддаси 5-қисмига асосан маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб суд органига юборилиши таъминланди.

Вилоят ҳокимлигининг барча бошқарув ходимларининг функция ва вазифаларида коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш ўтказилди.

Дастлабки баҳолаш жараёнида вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати барча ходимлари ва уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган жами 197 та функция ва вазифалари таҳлил қилиниб, коррупция хавф-хатари мавжудлиги баҳолаб чиқилди ва коррупциявий хавф-хатарлар бирлашган харитаси ишлаб чиқилди.

Шу билан биргалиқда, коррупцияга энг кўп мойил бўлган лавозимларда ишлаётган бошқарув ходимлари учун Давлат хизматчилари онгига “Ҳалоллик вакцинаси”ни сингдириш, коррупциявий хавф-хатарлар: стратегик ечим ва муаммолар” ҳамда “Маҳаллий ижро ҳокимликларида сақланиб қолаётган коррупциявий хавф-хатарлар:контрагентларни текшириш” мавзуларида умумий ва маҳсус ўқитишлиар бевосита таъминланди.

Вилоят ҳокимлигининг хўжалик шартномаларига коррупцияга қарши қоидалари тўлиқ киритилган ва вилоят ҳокимлиги билан шартномавий муносабатларга киришувчи тадбиркорлик субъектлари ва ягона етказиб берувчилар (контрагентлар) томонидан коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш ҳолатлари кузатилмади.

Вилоят ҳокимлиги тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши ҳолатлари содир этилмаганлиги сабабли шартномалар бекор қилинмаган.

Вилоят ҳокимлиги контрагентларни текшириш бўйича алоҳида реестр юритилган бўлиб, улар устидан текширувлар мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда.

Вилоят ҳокимлигидаги номзодларни текшириш бўйича алоҳида реестр юритилган бўлиб, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят филиали билан ҳамкорликда очиқ мустақил танлов эълон қилиниб, мазкур танлов реал вақт режимида ижтимоий тармоққа жойлаштириб келинмоқда.

Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш хамда рейтинг баҳолаш йуналишлари ва индикатор кўрсаткичлари бўйича маълумот ва хужжатлар e-anticor.uz электрон платформа орқали киритиб борилмоқда.

Ушбу орқали Сизга вилоят ҳокимлигидаги коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши юзасидан маълумот тақдим этилмоқда.

**Вилоят ҳокими  
ўринбосари**



**Ж.Ходжаев**